

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАВОИЙ БЎЛИМИ

ЖУМАЕВ АХМАДЖОН АБДУВОХИДОВИЧ

**ЕЙИЛИШГА БАРДОШЛИ ОҚ ЧЎЯНЛАРНИНГ ХОССАЛАРИНИ
ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА УЛАРНИНГ ТАРКИБИ ВА
СТРУКТУРАСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси. Камёб,
нодир ва радиоактив элементлар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по техническим
наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical sciences

Жумаев Ахмаджон Абдувохидович

Ейилишга бардошли оқ чўянларнинг

хоссаларини яхшилаш мақсадида уларнинг

таркиби ва структурасини оптималлаштириш 3

Жумаев Ахмаджон Абдувохидович

Оптимизация состава и структуры белых

износостойких чугунов с целью получения

требуемых эксплуатационных свойств 21

Jumaev Akhmadjon Abduvokhidovich

Optimizing the composition and structure of white

wear-resistant cast irons in order to obtain

required performance properties 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАВОИЙ БЎЛИМИ

ЖУМАЕВ АХМАДЖОН АБДУВОХИДОВИЧ

**ЕЙИЛИШГА БАРДОШЛИ ОҚ ЧЎЯНЛАРНИНГ ХОССАЛАРИНИ
ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА УЛАРНИНГ ТАРКИБИ ВА
СТРУКТУРАСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси. Камёб,
нодир ва радиоактив элементлар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Т1586 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фанлар академияси Навоий бўлимида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (tstu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мансуров Юлбарсхон Набиевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нурмуродов Салоҳиддин Дусмуродович
техника фанлари доктори, профессор

Атажанов Гапур Латибович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «28» август соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99871) 227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (217-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99871) 227-10-32.

Диссертация автореферати 2021 йил «16» август куни тарқатилган.

(2021 йил «16» августдаги 125-рақамли реестр баённомаси).

К.А.Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ш.Б.Ташбулатов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, техника фанлари
бўйича фалсафа доктори, (PhD)

Н.Д.Тураходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири, қуймакорлик усулида олинаётган металл ва қотишмалар мустаҳкамлигини ошириш, механик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаш орқали иқтисодий самарадорлигини юксалтириш етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Дунё миқёсида бу соҳада мақсадли илмий-тадқиқотлар, жумладан, қуйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади: ейилишга бардошли оқ чўянларнинг ишлаш муҳитини эътиборга олиб, қотишманинг таркибини замонавий дастурлар ёрдамида ҳисоблаш ва ишлаб чиқиш; оқ чўянлар қуйиб олиш жараёнларини оптималлаштириш; термик ишлов беришнинг янги оптимал меъёрларини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳоннинг қора металл саноати ривожланган мамлакатларидаги металлургия корхоналарида ейилишга бардошли оқ чўянлардан сифатли қуймалар олиш учун қатор йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, оқ чўянларни қуйиб олувчи мамлакатлар орасида АҚШ, Россия, Германия, Англия, Канада, Бразилия, Япония, Австралия, Украина, Польша, Ҳиндистон, Хитой, Беларусь, Эрон, Мексика ва бошқа давлатлар етакчи ҳисобланади. Йилдан-йилга ишлаб чиқариш миқдорининг ошиши сабабли ейилишга бардошли оқ чўянлардан тайёрланадиган деталларнинг сифатига бўлган талабнинг ортиши ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган самарали усул асосида сифатли оқ чўянлардан қуйма деталлар олиш технологиясини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда, металлургия ва кончилик саноатларини ривожлантириш қолаверса, импорт ўрнини босувчи ейилишга бардошли оқ чўянлардан тайёрланган деталлар ишлаб чиқариш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада оқ чўянлар қуйиб олиш технологияларини янада оптималлаштириш, олинган қуйма деталлар сифатини ошириш, деталлар тайёрлашни янги замонавий технологияларини қўллаш асосида ушбу саноатларни замонавий талаблар асосида ривожлантириш, жумладан, қуйма деталларнинг ейилишга бардошлилигини ошириш учун қотишмаларнинг оптимал таркиби ва термик ишлов бериш меъёрларини ишлаб чиқишни ва амалиётга жорий этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»¹ ги ПФ-4947-сон фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони.

устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг етакчи олимлари, жумладан АҚШ тадқиқотчилари С.Р.Табретт, L.Arias, ейилишга бардошли оқ чўянларни термик ишлов беришда фазалар ўзгариши унинг хоссасига таъсирини аниқлаган, Япония олими Ю.Матсубара термик ишлов беришнинг оқ чўянлар металл асоси ва карбид фазаларига таъсирини тадқиқ қилишган, Польша тадқиқотчилари Е.В.Розенберг, Д. Копусинский термик ишлов бериш ёрдамида қотишмаларнинг механик ва эксплуатацион хоссаларини ошириш технологиясини ишлаб чиқишган.

МДХ давлатлари тадқиқотчилари, хусусан, Россия олимлари Г.И. Сильман, И.И.Ципин, А.А.Жуков, М.М.Ямшинский, К.С. Радченколар ейилишга бардошли оқ чўянларни термик ишлов бериш билан биргаликда уларни пўлат қолипларда куйиб олишнинг қотишма микроструктураси фазалари ўзгаришларнинг фундаментал қонуниятларини яратишган, Беларусь олимлари К.Э.Барановский, В.М.Илшенко, ҳамда Ўзбекистон тадқиқотчилари А.А.Мухамедов, Дж.Дж.Маматқулов ва бошқалар ейилишга бардошли оқ чўянларнинг хоссасини ошириш бўйича ноанъанавий термик ишлов бериш усулларини ишлаб чиқишган.

Ейилишга бардошли оқ чўянларни куйиб олиш жараёнида ташқи совуткичлардан фойдаланиш натижасида қотишма структурасида жойлашган карбид фазаларни ишқаланиш юзасига нисбатан перпендикуляр жошлаштириш, металл асос ва карбидларни ўзаро мустаҳкам боғланиши учун термик ишлов беришнинг оптимал меъёрлари кўлланилиши масалалари етарлича ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Фанлар академияси Навоий бўлими ва Навоий давлат кончилик институти илмий тадқиқот режасининг Ф2-010-сон «Кон ускуналари деталларига термоциклик ишлов бериш илмий асосларини ишлаб чиқиш» (2017-2020 й.й.) фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Кончилик саноатида абразивли ва зарбли-абразивли муҳитларда кўлланиладиган ейилишга бардошли оқ чўяндан импорт деталларни маҳаллийлаштириш, уларни структура ва хоссаларини саноатнинг талаб даражасига олиб чиқиш. Ейилишга бардошли тежамкор таркибини оптималлаштириб, легирловчи моддаларни тежашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- кўлланилаётган қотишмаларни кимёвий таркиби, структура ва хоссаларини таҳлил қилиш асосида, уларни таркибини соддалаштириб, хоссаларини ишлаб чиқариш талабига мослаштириш;

- уч-, тўрт- ва кўпкомпонентли ҳолат диаграммаларининг фазавий таркиби, мувозанати ва кристалланишдаги уларни структураларини таҳлил қилган ҳолда кимёвий таркибини соддалаштириш;

- қуймакорлик, термик ишлов бериш технологияларини таҳлил қилган ҳолда уларнинг параметрларини оптималлаштириш;

- модели қотишмаларни кимёвий таркиби, структураси ва хоссаларини таҳлил қилган ҳолда, амалда қўлланилаётган ейилишга бардошли оқ чўянларни кимёвий таркибини соддалаштириб, механик ва эксплуатацион хоссаларини ошириш.

Тадқиқотнинг объекти. Намуна сифатида ИЧ280Х29НЛ, ИЧ300Х32Н2М2ТЛ маркали ейилишга бардошли оқ чўян ва шунингдек, аналог сифатида хорижий қотишма ASTM A-532 танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети ейилишга бардошли оқ чўянларнинг таркибига боғлиқ ҳолда структура ва эксплуатацион хоссалари ўзгаришини, ейилишга бардошли оқ чўянлардан тайёрланган деталлар структурасини шакллантириб, деталлар олиниш технологиясини ва термик ишлов бериш ёрдамида ейилишга бардошли оқ чўянлар хоссаларни ўзгариш қонуниятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қотишмалардаги кимёвий элементларнинг таркибий миқдорини ва қотишма структурасини ўрганишда аттестацияланган кимёвий усул ва спектрал русумидаги Рентгенографик анализатор, Metrohm 850 Professional IC русумидаги ионн хроматограф, (SEM-EDX) маркали Carl Zeiss EVO MA 10/AztecEnergyAdvanced X-Act сканерловчи электрон микроскопларнинг таҳлилий усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- оқ чўянлар асоси бўлган Fe – С ҳолат диаграммасининг назарияси легировчи элементлар (хром 45% гача), никель 10% гача, марганец 10% гача, углерод 4% гача, кремний 5% гача, титан 10% гача, молибден 5% гача, ванадия 6% гача) ёрдамида фазавий ўзгаришлар, жумладан, қаттиқ эритма, карбидлар кимёвий таркиби аниқланиб, ушбу олинган натижалар билан бойитилган;

- уч-, тўрт- ва кўпкомпонентли (Fe-C-Cr, Fe-C-Ni, Fe-C-Mn, Fe-C-V, Fe-C-Mo, Fe-C-Co, Fe-C-Cr-Ni, Fe-C-Cr-Mn, Fe-C-Cr-Mn) ҳолат диаграммалари, изо- (200⁰С), политемик кесимлар тадқиқ қилиш асосида оқ чўяндаги фазавий мувозанат ва ўзгаришларга аниқлик киритилган. Жумладан, хром 16 дан 34% гача, никель 0,4 дан 3% гача, марганец 0,4 дан 2% гача, углерод 2,4 дан 4% гача, кремний 0,3 дан 2% гача, титан 0,4 дан 5% гача, молибден 0,2 дан 3% гача, ванадий 0,01 дан 2% гача нисбий миқдорлари оралиқда ҳосил бўлган фазалар аниқланган;

- қотишмада темир асосидаги қаттиқ эритманинг миқдори 61-64%, карбид фазаларнинг 36-39% мавжудлиги, кўпкомпонентли системаларда TiC, Cr₃Si аниқланган, кремний ўз ичига олган фазани, шу билан кристалланиш доирасини кенгайтириши, қотишманинг қуйиш хусусиятларини ошириши исботланди. Титан карбиди қотишмаларни қаттиқлигини ошириши, структура дондорлигини майдалаштиришга ёрдам берган;

- юқори легирланган чўянларда карбид туралари аниқланди. Қотишмада легировчи элементлар миқдори ошгани сайин, қотишмаларда қуйидаги карбидлар шклланиши мумкинлиги аниқланди: M₃C, M₆C, M₅C₂, M₇C₃, M₂₃C₆.

Мураккаб легирланган карбидларининг йўналтирилган кристалланиш ижобий таъсирига эришилган;

- оқ чўяннинг асоси бўлган углерод миқдори 2,6-2,9%, ҳамда анъанавий легирловчи моддалар: хром (26-29%), никель (0,5-1,5%), марганец (0,4-0,8%), кремний (1,5% гача) элементларига қўшимча ванадий (0,01-0,02%) таркибли қотишма яратилган;

- янги оқ чўян учун ейилишга бардош деталларни ишлаб чиқариш учун ташқи совуткич қўлланган қуйиш технологияси (қуйиш температураси $1390 \pm 10^{\circ}\text{C}$, совуш тезлиги $202 \pm 3^{\circ}\text{C}/\text{соат}$) ҳамда термик ишлов параметрлари (нормаллаш $940 \pm 10^{\circ}\text{C}$ 3соат, бўшатиш $230 \pm 10^{\circ}\text{C}$, 2,5 соат) ўрнатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

- Thermo-Calc дастури ёрдамида оқ чўянлар асоси – уч-, тўрт- ва кўпкомпонентли қотишмалар ҳолат диаграммалари тузилиб, «Металлшунослик» фанига қўшимчалар киритилди ва уларни амалий қўлланилиши таъминланган;

- қуйиш жараёнида қуйма совуткичлардан фойдаланиб, саноатда ишлаб чиқарилган деталларнинг ейилишга ишлайдиган қисми структурасини йўналтирилган ҳолатга келтирилиб, деталларни эксплуатацион хоссалари талаб даражасига олиб чиқилди, яъни: деталнинг ишчи юзаси структурасида ҳосил қилинган M_3C дан M_{23}C_6 гача типдаги карбидлар ишчи юзага нисбатан перпендикуляр жойлашишига эришилган;

- ейилишга бардошли оқ чўянларнинг механик хоссаларини ўрганиш ва микроструктуравий таҳлил қилиш асосида, улардан тайёрланган деталларнинг механик хоссалари 20% га оширилиб, уларнинг тан нархи эса, 30% га арзонлаштирилган;

- яратилган ейилишга бардошли оқ чўян қотишмасидан тайёрланган деталларга термик ишлов беришнинг оптимал параметрлари қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация тадқиқотида замонавий усуллар жиҳозларда металлография ва рентгеноструктура таҳлиллари, элемент таҳлил, макроқаттиқлик ва микроқаттиқлиги қийматлари, термик ишлов бериш, ейилишга бардошлилик синовлари натижаларининг тўлиқ ўзаро боғлиқлиги, олинган тажриба натижалари мавжуд тажриба маълумотларига солиштирилганлиги ва реал иқтисодий фойда билан ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Ўзбекистонда биринчи мартаба Thermo-Calc дастури ишлатилган, натижада оқ чўяннинг тежамкор таркиби тавсия этилган. Янги тежамкор оқ чўян маркаси қумли қолипларда қуйма совуткичлар ёрдамида деталлар тайёрлаш технологияси жорий этилиб термик ишлов беришнинг оптимал меъёри орқали ишлов бериб оқ чўянларнинг структуралари яхшиланган, механик ва эксплуатацион хоссалари кескин ошиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ейилишга бардошли оқ чўянларни қўшимча легирлаш ёки модификаторларнинг ҳисобига эмас, балки қуйиш жараёни ва термик ишлов беришнинг оптималлаштириш орқали абразив

ейилиш шароитларида ишлайдиган деталларнинг таннархини пасайтириб, ишлаш муддатларини эса узайтирганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ейилишга бардошли оқ чўянлар қуйиб олиш усуллари бўйича олинган натижалар асосида:

- таклиф этилган оқ чўян маркасидан қумли қолипларда қуйма совуткичлар ёрдамида «таъминловчи диск» детали тайёрланди ва термик ишлов беришнинг оптимал меъёри билан ишлов берилган. «Таъминловчи диск» детали ишлаб чиқариш жараёнида, оқ чўян кимёвий таркиби соддалаштирилганлиги сабали ҳар бир ишлаб чиқарилган 1 тонна қотишмада легирловчи элементлар, жумладан, феррохром 40%га, никель 45%га, бошқа кимёвий элементларнинг барчаси ўрта ҳисобда 10 – 20%га иқтисод қилинган;

- таклиф этилган оқ чўян кимёвий таркиби, унга қуйиш технологиясига ўзгартириш ва термик ишлов бериш технологиясини оптималлаштириш натижалари Навоий кон-металлургия комбинатининг Навоий машинасозлик заводида жорий этилган (НКМКнинг 2021 йил 1 июндаги 02-06-04/6177-сон ва 2020 йил 24 февралдаги 02-06-07/2390-сон маълумотномаси). Натижада, олинган қуймаларнинг зарбий қовушқоқлиги 1,2-1,5 бараварига, қаттиқлиги 1,2-1,5 бараварига оширилишига эришилган;

- легирловчи элементларни кам қўлланилиши, деталларни механик хоссалари яхшиланиши, ҳамда кончилик асбоб ускуналари Навоий кон-металлургия комбинатининг Навоий машинасозлик заводида жорий этилган (НКМКнинг 2021 йил 1 июндаги 02-06-04/6177-сон ва 2020 йил 24 февралдаги 02-06-07/2390-сон маълумотномаси). Натижада, деталларнинг хизмат муддатини 20% га ўзайтирилган ва қуймаларни тан нархини 30% га камайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг тадқиқот натижалари 13 та, жумладан 7 та халқаро ва 6 та Республика илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий ишлар чоп этилган. Ўзбекистон Олий Аттестация Комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этилиши тавсия қилинган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 5 таси Республика ва 3 таси (2 таси Scopus базасидаги) хорижий журналларда нашр этилган, 1 та UZ FAP 01572 (2020 й.) рақамли фойдали моделга патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг

илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижалари амалиётга жорий қилинган, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ейилишга бардошли оқ чўянлар хақида умумий маълумот**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича адабиётлар таҳлил қилиниб, абразивли, коррозион-абразивли ва зарбли-абразивли ейилиш муҳитларида қўлланиладиган деталлар учун оқ чўянларнинг таркиби, хоссалари ўрганилган ва уларнинг қўлланилиш соҳаларидан келиб чиққан ҳолатда таҳлил қилинган. Ейилишга бардошли оқ чўянлар структурасидаги метал асос ва карбид фазалари ва уларни шакллантириш услублари қолаверса, оқ чўянлар хоссаларига карбид фазаларнинг таъсири ўрганилган. Легирловчи элементларни оқ чўянлар механик ва эксплуатацион хоссаларига таъсири таҳлил қилинган.

Республикамизнинг қурилиш, металлургия ва кончилик саноатлари учун муҳим ҳисобланган ейилишга бардошли деталларни эксплуатация жараёнидан келиб чиққан ҳолда ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келинган:

Ўзбекистон Республикасининг қатор қорхоналарида ейилишга бардошли чўянлардан деталлар қумли қолипларда тайёрланиб, термик ишлов беришнинг нисбатан эски меъёрларидан фойдаланиб келинмоқда. Бу эса, ейилишга бардошли оқ чўянларни потенциал имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда;

оқ чўянларни хоссаларини яхшилаш мақсадида қиммат легирловчи элементлардан (Mn, Cr, Ni, Mo, Ti) фойдаланилмоқда, бу эса, улардан тайёрланган деталларнинг таннархини ўта қимматлашишига олиб келган;

оқ чўяндан олинган қуйма деталларнинг структураси ва хоссалари қотишма кристалланиш жараёнида шаклланади. Бунда қотишма секин совуши туфайли структурада катта миқдорда қолдиқ аустенит ва катта ўлчамдаги тартибсиз карбидлар ҳосил бўлиши натижасида қотишманинг механик ва эксплуатацион хоссалари кескин пасайган.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги вазифаларни ишлаб чиқиш лозим:

кенг қўламда фойдаланиладиган ИЧ280Х29НЛ ва ИЧ300Х32Н2М2ТЛ маркали чўянлар таркибида қимматбаҳо элементлар, вольфрам ва титан бўлмаслиги, молибден, никель ва хромнинг миқдори максимал даражада камайтириш, лекин, қуймалар қуйиб олиш ва термик ишлов беришнинг оптимал меъёрларини қўллаш орқали қотишма механик ва эксплуатацион хоссаларини таъминлаш керак;

Thermo-Calc дастури ёрдамида икки, уч ва кўп компонентли ҳолат диаграммаларни таҳлил қилиш орқали ейилишга бардошли чўянларни тежамкор таркибини ишлаб чиқиш зарур;

Ейилишга бардошли чўянларни механик ва эксплуатацион хоссаларини, қотишмага қўшимча легирловчи элементлар қўшиш ҳисобига эмас, балки

қотишма қуйиш жараёни технологияси ва параметрларини ҳамда термик ишлов беришнинг оптимал меъёрларини қўллаган ҳолда яхшилаш мумкин.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти сифатида Навоий кон-металлургия комбинатида рудаларни майдалаш мақсадида фойдаланиладиган ИЧ280Х29НЛ ва ИЧ300Х32Н2М2ТЛ маркали оқ чўянлардан намуналар кумли қолипларда тайёрланди ҳамда импорт қилиб олиб келинган ва ўз ишлаш муддатини ўтаган ASTM A532 маркали оқ чўяндан тайёрланган деталлардан кесиб олинган намуналарнинг механик ва микроструктуравий хоссалари аниқланди. Тадқиқот материаллари учун фойдаланилган намуналарнинг кимёвий таркиби НКМК Навоий машинасозлик заводи марказий лабораториясида Spectro-Lab-M русумли спектрал жиҳозда таҳлил қилинди (1-жадвал). Бундан ташқари оқ чўян намуналари лаборатория шароитида СНОЛ 3/11 русумли муфел печда, ишлаб чиқариш шароитида эса Н-85 русумли электр печда термик ишлов берилди. Микроструктуравий тадқиқотлар TESCAN MIRA сканерловчи электрон микроскопида «МИСиС» (НИТУ МИСиС, Россия) Миллий тадқиқот технологиялар Университетида ва НКМКнинг марказий тадқиқотлар лабораторияси OLYMPUS BX53 оптик микроскопида 200 мартадан 5000 мартагача катталаштириш билан амалга оширилди.

1-жадвал

ИЧ280Х29НЛ, ИЧ300Х32Н2М2ТЛ ва ASTM A532 маркаларнинг кимёвий таркиби

Т/р	Чўянларнинг маркаси	Элементларнинг кимёвий миқдори, % масса бўйича									
		C	Si	Cr	Mo	V	Mn	Ni	Ti	P	S
1.	ИЧ280Х29НЛ	2,82	0,6	28,23	-	0,02	0,46	1,5	-	0,062	0,030
2.	ИЧ300Х32Н2М2ТЛ	2,60	1,2	32,0	1,7	-	0,54	2,1	0,4	0,067	0,032
3.	ASTM A532	2,88	0,6	28,26	0,20	-	1,38	0,6	0,02	0,025	0,023

Тадқиқот объекти сифатида ўрганилаётган ИЧ280Х29НЛ, ИЧ300Х32Н2М2ТЛ ва ASTM A532 маркали оқ чўянларни кимёвий элемент таҳлили ва кимёвий элементларини юза бўйлаб тарқалиши ҳамда микроструктуравий таҳлиллар бажарилди. Оқ чўянларни механик хоссаларини аниқлаш учун махсус намуналар тайёрланди. Намуналарни егилишга мустаҳкамлик хоссасини аниқлаш мақсадида ГМС-50 русумли универсал синаш машинаси, зарбий қовушқоқлик хоссасини аниқлаш учун эса МК-30А русумли маятникдан ҳамда қаттиқликни аниқлаш мақсадида эса ТК-2М русумли қаттиқлик ўлчагичдан фойдаланилди (2-жадвал).

2-жадвал


ИЧ280Х29НЛ, ИЧ300Х32Н2М2ТЛ ва ASTM A532 маркали оқ чўянларнинг механик хоссалари

Чўян маркаси	Зарбий қовушқоқлик, KCV , Дж/см ²		Эгилишга мустаҳкамлик чегараси, σ_b , МПа		Қаттиқлик, HRC _Э	
	Ўлчанган	ГОСТ бўйича	Ўлчанган	ГОСТ бўйича	Ўлчанган	ГОСТ бўйича

ИЧ280Х29НЛ	11,5	11	420	400	50	46
ИЧ300Х32Н2М2ТЛ	10,5	10	410	390	59	57
ASTM A532*	9		460		60	58

*Изоҳ-берилган қийматлар меъёрий ҳужжатлар асосида олинди.

Диссертациянинг «**Ейилишга бардошли оқ чўянлар таркибини кимёвий элементли тадқиқ қилиш**» деб номланган учинчи бобида ИЧ280Х29НЛ, ИЧ300Х32Н2М2ТЛ ва ASTM A532 маркали оқ чўянларни кимёвий элемент таҳлили ва кимёвий элементларини қотишма юзаси бўйлаб тарқалишини таҳлил қилинди. Оқ чўян маркаларининг структура металл асоси ва карбид турлари ўрганилган. Қотишма таркибидаги легирловчи элементларнинг структурага таъсири таҳлил қилинган. Намуналарнинг микроструктуралари 5000 марта катталаштирилган ҳолатда ўрганилган ҳамда тақосланган. Бунга кўра, ИЧ280Х29НЛ маркали чўян микроструктурасини ташкил этган металл асос ва карбид фазаларни кўриш мумкин. Қотишма структураси карбид фазаларида M_3C дан M_7C_3 гача бўлган карбидлар шаклланганлигини кўриш мумкин (1-Расм, а). ИЧ300Х32Н2М2ТЛ маркали қотишма структурасида M_3C дан $M_{23}C_6$ гача карбидларининг шаклланганлиги қотишманинг хоссаларини оширади, лекин бу карбидларнинг тартибсиз ва катта ўлчамдалиги ҳам қотишма хоссаларига салбий таъсир кўрсатади (1-Расм, б). ASTM A532 маркали чўян структурасида асосан M_7C_3 дан $M_{23}C_6$ гача карбидларининг шаклланганлиги кўришимиз мумкин (1-Расм, в).




а) ИЧ280Х29НЛ, б) ИЧ300Х32Н2М2ТЛ, в) ASTM A532

1-расм. Ейилишга бардошли оқ чўянларнинг микроструктураси, х2000


Диссертациянинг «**Ейилишга бардошли оқ чўянларнинг кимёвий таркибини Thermo-Calc дастури ёрдамида таҳлили**» деб номланган тўртинчи бобида Fe-C ҳолат диаграммасида углерод ва температура миқдорини ўзгариши ҳисобига ҳосил бўладиган фазалар ўрганилди. Fe-C системаси асосидаги икки, уч ва кўп компонентли термодинамик ҳолат диаграммалар куриш ва уларни таҳлил қилишда Thermo-Calc Software (Швеция) компаниясининг дастурий таъминоти ҳисобланган Thermo-Calc дастурининг 2018 йил май ойида янгиланган TCFe7 маълумотлар базасидан фойдаланилди. Тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинаётган ИЧ280Х29НЛ, ИЧ300Х32Н2М2ТЛ ва ASTM A532 оқ чўянлар маркаларининг кимёвий таркиби асосида Thermo-Calc дастури ёрдамида уч, тўрт ва кўп компонентли

50дан ортиқ термодинамик ҳолат диаграммалари қурилди. ИЧ280Х29НЛ маркали оқ чўян асосида Fe-2,6C-Cr-Ni, Fe-2,6C-Cr-Mn, Fe-2,6C-Cr-Si, Fe-2,6C-Cr-Ti ва кўплаб системалардаги термодинамик ҳолат диаграммалар тадқиқ қилинди. Унга кўра қотишмадаги Cr, Ni, Mn, Si ва Ti элементларининг миқдори ўзгариши билан структурада шаклланаётган металл асос ва карбидларнинг турлари ўрганилди. Fe-2,6C-Cr-Ni ҳолат диаграммасидан кўришимиз мумкинки, қотишманинг механик ва эксплуатацион хоссалари учун муҳим бўлган перлитли ва аустенитли металл асос ҳамда M_7C_3 типидagi карбидлар қотишмадаги хромнинг миқдори 16,5% дан юқори бўлганда ва никельнинг миқдори 0,2-0,9% оралиғида шакллана бошланиши аниқланди. Хром ва никельнинг айнан шу миқдордан паст ҳолатда эса, структура бўйлаб парчаланишга улгурмаган графитларни ва M_3C_2 типидagi карбидларни ҳосил бўлишини кўриш мумкин. Хром ва никельнинг кўрсатилган миқдордан юқори бўлиши эса структурада $M_{23}C_6$ карбидини ҳосил бўлиши билан биргаликда қотишманинг таннархини ошишига олиб келиши аниқланди (2-расм).




2-расм. Fe-2,6C-Cr-Ni ҳолат диаграммаси. T-200⁰C

Fe-2,6C-Cr-Mn ва Fe-2,6C-Cr-Si ҳолат диаграммаларини таҳлил қилиш жараёнида қотишма таркибида 16-26,5%гача хромнинг бўлиши қотишмада M_7C_3 типидagi карбидларни тўлиқ шаклланиши учун етарли эканлиги аниқланди. Қотишмада хромнинг миқдори 16%гача бўлганда структурада парчаланмаган графитлар ва M_3C_2 типидagi карбидлар учраши аниқланди. Fe-2,6C-Cr-Mn ва Fe-2,6C-Cr-Si ҳолат диаграммаларини тадқиқ қилиш жараёнида Mn ва Si нинг миқдори 0,4-0,6% оралиғида структурада ҳосил бўлган перлит ва аустенит қолаверса, M_7C_3 типидagi карбидлар тўлиқ шакланганлиги сабабли қотишманинг оқувчанлик ва зарбли-абразивли хоссаларига салбий таъсири мавжуд (3-расм).



3-Расм. Fe-2,6C-Cr-Si ҳолат диаграммаси. T-200⁰C


ИЧ300Х32Н2М2ТЛ маркали оқ чўян асосида Fe-3,1C-Cr-Ni, Fe-3,1C-Cr-Mn, Fe-3,1C-Cr-Si, Fe-3,1C-Cr-Ti ва кўплаб системаларидаги термодинамик ҳолат диаграммар тадқиқ қилинди. Унга кўра қотишмадаги Cr, Ni, Mn, Si ва Ti элементларининг миқдори ўзгариши билан структурада шаклланаётган карбидларнинг турлари ўрганилди (4-расм).



4-Расм. Fe-2,6C-Cr-Ti ҳолат диаграммаси. T-200⁰C

Fe-3,1C-Cr-Ni ҳолат диаграммасидан кўришимиз мумкинки, қотишманинг механик ва эксплуатацион хоссалари учун муҳим бўлган перлитли ва аустенитли металл асос ҳамда M₇C₃ типидagi карбидлар қотишмадаги хромнинг миқдори 16-17% дан юқори бўлганда ва никельнинг миқдори 0,2-0,7% оралиғида шакллана бошланиши аниқланди. Хром ва никельнинг айнан шу миқдордан паст ҳолатда эса, структура бўйлаб парчаланишга улгурмаган графитларни ва M₃C₂ типидagi карбидлар ҳосил бўлишини кўришимиз мумкин. Хром ва никельнинг кўрсатилган миқдордан юқори бўлиши эса структурада M₂₃C₆ карбидини ҳосил бўлиши билан биргаликда қотишманинг таннархини ошишига олиб келиши аниқланди.


ИЧ280Х29НЛ маркали оқ чўяннинг кимёвий таркиби асосида Fe-2,6C-Cr-Mn системасининг термодинамик ҳолат диаграммаси келтирилган. Диаграммада қотишма металл асоси сифатида шаклланган феррит ва парчаланишга улгурмаган графитларни кўришимиз мумкин. Қотишма таркибида 45%гача хром ва 9%гача марганец бўлганда структура металл асосида тўлиқ шаклланган феррит ва M₃C₂ дан M₂₃C₆ гача карбидларини шакланганлигини кўришимиз мумкин. Айнан марганецнинг миқдори 9%дан ошганда қотишма структураси металл асосида парчаланишга улгурмаган графитлар учрайди (5-расм).



5-расм. Fe-3,1C-Cr-Ni ҳолат диаграммаси. T-200⁰C


Марганецнинг миқдори 3-4%гача бўлганда эса тўлиқ шаклланган ферритли структурани кўришимиз мумкин. Айниқса, марганецнинг миқдори 0,7-0,8%гача ва хромнинг миқдори эса 16-45% гача бўлганда қотишма структураси металл асоси ферритли ва энг асосийси марганецнинг миқдори кам бўлишига қарамасдан M_7C_3 карбидлари шаклланган.

Fe-3,1C-Cr-Mn ва Fe-3,1C-Cr-Si ҳолат диаграммаларини таҳлил қилиш жараёнида қотишма таркибида 16-27%гача хромнинг бўлиши қотишмада M_7C_3 типдаги карбидларни тўлиқ шаклланиши учун етарли эканлиги аниқланди. Қотишмада хромнинг миқдори 16%гача бўлганда структурада парчаланмаган графитлар ва M_3C_2 типдаги карбидлар учраши аниқланди (6-расм).



6-Расм. Fe-3,1C-Cr-Si ҳолат диаграммаси. T-200°C

Хромнинг миқдори 26,5%дан ошиши билан эса структурада $M_{23}C_6$ карбиди шакллана бошланиши аниқланди. Fe-3,1C-Cr-Mn ва Fe-3,1C-Cr-Si ҳолат диаграммаларини тадқиқ қилиш жараёнида Mn ва Si нинг миқдори 0,4-0,6% оралиғида структурада ҳосил бўлган перлит ва аустенит қолаверса M_7C_3 типдаги карбид тўлиқ шаклланганлиги сабабли қотишманинг оқувчанлик ва зарбли-абразивли хоссалари сезиларли ошганлиги аниқланди (7-расм).



7-расм. Fe-2,6C-Cr-Mn ҳолат диаграммаси. T-200°C

Диссертациясининг «**Ейилишга бардошли оқ чўянлар кимёвий таркиби, структураси ва қуймалар олиш технологияларини оптималлаштириш**» деб номланган бешинчи бобида Thermo-Calc дастури ёрдамида 50дан ортиқ уч, тўрт ва кўп компонентли системаларнинг термодинамик ҳолат диаграммалари таҳлили ва хулосаси қотишма таркибидаги углерод ва хромнинг ўзаро оптимал муносаббалигини сақлаган ҳолда қолаверса қотишма таркибидаги карбидларни шакллантириш мақсадида молибденнинг ҳам оптимал миқдори танланди. Янги тежамкор оқ чўянни таркибини қуйидаги таркибда (3-жадвал) тавсия этилди:

3-жадвал

ИЧ330Х17Л маркали тежамкор оқ чўян

Кимёвий таркиби, % масса бўйича								
C	Cr	Ni	Mn	Si	Mo	S	P	Fe
3,2-3,4	16-18	0,4-0,6	0,4-0,6	0,4-0,6	0,4-0,5	≤0,06	≤0,1	қолгани

ИЧ330Х17Л маркали тежамкор оқ чўянни механик хоссаларини аниқлаш ва ўзаро таққослаш мақсадида кимёвий таркибининг оралиқ миқдорларидан келиб чиққан ҳолда намуналарнинг кимёвий таркиби аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

Тавсия этилаётган оқ чўянларнинг тежамкор маркасининг таркиби турли қийматлари билан мисоллар 3-жадвалда келтирилган

Таркиби, % масса улушида	C	Cr	Mn	Si	Ni	Mo	S	P	Fe
1-намуна	3,1	15	0,3	0,3	0,3	0,35	0,06	0,1	80,49
2-намуна	3,2	16	0,4	0,4	0,4	0,40	0,06	0,1	79,04
3-намуна	3,3	17	0,5	0,5	0,5	0,45	0,06	0,1	77,59
4-намуна	3,4	18	0,6	0,6	0,6	0,50	0,06	0,1	76,14
5-намуна	3,5	18	0,7	0,7	0,7	0,55	0,06	0,1	75,69

3-жадвалдаги оқ чўянларнинг тежамкор маркасининг кимёвий таркибидан келиб чиққан ҳолда қотишманинг механик хоссалари НКМК Навоий машинасозлик заводининг марказий лабораториясида аниқланди (5-жадвал).

5-жадвал

Оқ чўянлар тежамкор маркасининг оралиқ кимёвий таркибининг механик хоссалари

Чўян маркаси	Зарбий қовушқоқлик, KCV, Дж/см ²		Эгилишга муштақамлик чегараси, σ _b , МПа		Қаттиқлик, HRC _Э	
	Ўлчанган	Техник шарт бўйича	Ўлчанган	Техник шарт бўйича	Ўлчанган	Техник шарт бўйича
1-намуна	5,8-6,3	11	310-320	400	40-42	58
2-намуна	9,6-10,8		400-410		53-55	
3-намуна	10,0-11,0		411-422		58-63	
4-намуна	9,8-11,1		405-418		57-60	
5-намуна	9,5-10,1		409-415		55-57	

Ейилишга бардошли оқ чўянларнинг таклиф қилинган тежамкор таркиби (2-4-мисоллар) абразивли ва зарбли-абразивли муҳитларда ишлайдиган деталлар ва уларнинг қисмларининг керакли механик хусусиятларини таъминлай олади. Чунки, анъанавий равишда абразивли ва зарбли-абразивли

мухитларда қўлланилиб келинаётган ИЧ280Х29НЛ маркали оқ чўян маркаси билан таклиф этилаётган ИЧ330Х17Л маркали тежамкор оқ чўянни механик хоссалари ўзаро таққослаган (6-жадвал).


6-жадвал

Оқ чўянларнинг механик хоссалари

Чўян маркаси	ИЧ280Х29НЛ	ИЧ330Х17Л
Термик ишловларсиз қаттиқлик, HRC _Э	42-43	49-50
Термик ишлов берилган ҳолатдаги қаттиқлик, HRC _Э	52-53	58-63
Термик ишловсиз зарбий қовушқоқлик, KCV, Дж/см ²	10-11	10,2-11,5
Термик ишлов берилган ҳолатдаги зарбий қовушқоқлик, KCV, Дж/см ²	8,5-9,5	8,8-9,8
Термик ишловларсиз мустаҳкамлик чегараси, σ _в , МПа	390-398	403-407
Термик ишлов берилган ҳолатдаги мустаҳкамлик чегараси, σ _в , МПа	415-420	427-431


НКМК Навоий машинасозлик заводида KEV-96 модели роторли майдалагични муҳим деталларидан бири бўлган «таъминловчи диск» детали бугунги кунда ИЧ280Х29НЛ маркали оқ чўядан қумли қолипларда тайёрланиб келинмоқда.

Оқ чўянларни қуйиш технологиясини оптималлаштириш ҳамда легирловчи элементларни тежаш мақсадида янги таклиф этилаётган ИЧ330Х17Л маркали оқ чўядан ҳам айнан «таъминловчи диск» детали қумли қолипларда ташқи қуйма совуткичлар ёрдамида қуйиб олинди (8-расм).



8-расм. Таъминловчи диск деталини ташқи қуйма совуткичлар ёрдамида қумли қолипда олиш

ИЧ330Х17Л маркали оқ чўядан ташқи қуйма совуткичлар ёрдамида олинган «таъминловчи дисклар»нинг ҳар бири алоҳида Н-85 модели электр печда термик ишлов беришнинг турли хил меъёрларида ишлов берилди. Термик ишлов берилган деталларнинг механик ва эксплуатацион хоссаларини таҳлил қилиш мақсадида термик ишлов беришнинг энг оптимал меъёри танланди (9-расм).



9-расм. Оқ чўянлар учун термик ишлов беришнинг энг оптимал меъёри


Деталларни термик ишлов бериш жараёнида қотишмани таркибидаги аустенит фазаларини парчалаш учун 920-960⁰С температура етарли эканлиги аниқланди. Тоблаш температурасининг ушбу температурадан юқори юқори бўлиши, деталларни ҳавода совутиш жараёнида детал структурасида майда ёриқлар ҳосил бўлишига олиб келди.

Таъминловчи диск деталларининг барчаси ишлаб чиқариш миқёсида НКМК Марказий кон-бошқармаси олтинни уйимда ишқорлаш цехининг тўртинчи босқич KEV 96 русумли СЕМСО майдалагичларида тажриба-синовдан ўтказилди. Тажриба-синов вақтида ИЧ330Х17Л (1-4-дисклар) ва ИЧ280Х29НЛ (5 ва 6 дисклар) маркали оқ чўядан тайёрланган бир нечта деталлар тартиб бўйича рақамланди ҳамда деталларнинг абразивли ва зарбли-абразивли хоссасини аниқлаш мақсадида уларнинг оғирлиги ўлчаниб борилди (10-расм).



10-расм. Таъминловчи дискларнинг эксплуатация вақтидаги ҳолати

Тажриба-синов натижасини ифодалаш учун таъминловчи дискларни ишлаш вақтини солиштириш мақсадида, қолаверса, саот бирлигида ейилиш коэффсентини аниқлаш учун куйидаги график тузилди (11-расм).



11-расм. Таъминловчи дискларни эксплуатация вақтида ейилиш графиги

Таклиф этилган ейилишга бардошли оқ чўяларнинг тежамкор ИЧ330Х17Л маркасидан тайёрланган таъминловчи дискларнинг таннархи арзон бўлишига қарамасдан, оқ чўяларнинг анъанавий ИЧ280Х29НЛ маркасидан тайёрланган таъминловчи диск деталларига нисбатан 22-28 соат кўп вақт ишлаши ишлаб чиқариш миқёсида тажриба-синов натижасида аниқланди. Бунга асосий сабаб қуйиш ва термик ишлов бериш жараёнида замонавий оптимал усулларидаан фойдаланган ҳолда тайёрланганлиги ҳисобланади. Таъминловчи диск деталларининг эксплуатациядан кейинги ҳолатини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин (12-расм).



1-4 - ИЧ330Х17Л ва 5-6 - ИЧ280Х29НЛ маркали оқ чўялардан тайёрланган.

12-расм. Эксплуатациядан кейинги таъминловчи дисклар

Диссертация илмий тадқиқот натижалари 2018-2020-йилларда НКМК Навоий машинасозлик заводида ва Марказий кон бошқармаси олтинни уйимда ишқорлаш цехининг тўртинчи босқич KEV-96 русумли СЕМСО майдалагичларида тажриба синовдан ўтказилди.

ХУЛОСА

1. Оқ чўялар асоси бўлган Fe – С ҳолат диаграммасининг назарияси легирловчи элементлар (хром 45% гача), никель 10% гача, марганец 10% гача, углерод 4% гача, кремний 5% гача, титан 10% гача, молибден 5% гача, ванадия

6% гача) ёрдамида фазавий ўзгаришлар, жумладан, қаттиқ эритма, карбидлар кимёвий таркиби аниқланиб, ушбу олинган натижалар билан бойитилган.

2. Уч-, тўрт- ва кўпкомпонентли (Fe-C-Cr, Fe-C-Ni, Fe-C-Mn, Fe-C-V, Fe-C-Mo, Fe-C-Co, Fe-C-Cr-Ni, Fe-C-Cr-Mn, Fe-C-Cr-Mn) ҳолат диаграммалари, изо- (200°C), политермик кесимлар тадқиқ қилиш асосида оқ чўяндаги фазавий мувозанат ва ўзгаришларга аниқлик киритилган. Жумладан, хром 16 дан 34% гача, никель 0,4 дан 3% гача, марганец 0,4 дан 2% гача, углерод 2,4 дан 4% гача, кремний 0,3 дан 2% гача, титан 0,4 дан 5% гача, молибден 0,2 дан 3% гача, ванадий 0,01 дан 2% гача нисбий миқдорлари оралиқда ҳосил бўлган фазалар аниқланган.

3. Қотишмада темир асосидаги қаттиқ эритманинг миқдори 61-64%, карбид фазаларнинг 36-39% мавжудлиги, кўпкомпонентли системаларда TiC, Cr₃Si аниқланган, кремний ўз ичига олган фазани, шу билан кристалланиш доирасини кенгайтириши, қотишманинг қуйиш хусусиятларини ошириши исботланди. Титан карбиди қотишмаларни қаттиқлигини ошириши, структура донадорлигини майдалаштиришига ёрдам берган.

4. Юқори легирланган чўяндарда карбид туралари аниқланди. Қотишмада легирловчи элементлар миқдори ошгани сайин, қотишмаларда қуйидаги карбидлар шклланиши мумкинлиги аниқланган: M₃C, M₆C, M₅C₂, M₇C₃, M₂₃C₆. Мураккаб легирланган карбидларининг йўналтирилган кристалланиш ижобий таъсирига эришилган.

5. Ишлаб чиқариш жараёнида, оқ чўян кимёвий таркиби соддалаштирилганлиги натижасида ҳар бир ишлаб чиқарилган 1 тонна қотишмада легирловчи элементлар, жумладан, феррохром 40% га, никель 45%, бошқа кимёвий элементларнинг барчаси ўрта ҳисобда 10 – 20% га иқтисод қилинган. Таъминловчи диск деталини тайёрлашда қуйиш жараёнларини ва термик ишлов беришнинг оптимал меъёрларидан фойдаланиш натижасида деталларнинг ишлаш вақти камида 20% га оширилиб, деталларнинг таннархи эса, 30% гача арзонлаштирилган.

6. Олиб борилган изланишлар натижасида янги қотишма яратилиб, унинг таркиби қуйидагилардан иборат: углерод 2,6-2,9%, марганец 0,4-0,8%, хром 27-30%, кремний 0,5-0,6%, никель 0,5 дан 1,5% гача, ванадий 0,01-0,02% гача ва қолгани темир.

7. Ейилишга бардошли оқ чўянларнинг қуйидаги таркибдаги иккинчи тежамкор маркаси яратилди: углерод 3,2-3,4%, марганец 0,4-0,6%, хром 16-18%, кремний 0,4-0,6%, никель 0,4-0,6%, молибден 0,4-0,5% гача ва қолгани темир. Тайёрланган деталларни қуйиш технологияси, термик ишлов беришнинг оптимал параметрлари (940±10°C) яратилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАВОИЙСКОЕ ОТДЕЛЕНИЕ АКАДЕМИИ НАУК

ЖУМАЕВ АХМАДЖОН АБДУВОХИДОВИЧ

**ОПТИМИЗАЦИЯ СОСТАВА И СТРУКТУРЫ БЕЛЫХ
ИЗНОСОСТОЙКИХ ЧУГУНОВ С ЦЕЛЬЮ ПОЛУЧЕНИЯ ТРЕБУЕМЫХ
ЭКСПЛУАТАЦИОННЫХ СВОЙСТВ**

**05.02.01 - Материаловедение в машиностроении. Литейное производство. Термическая
обработка металлов давлением. Металлургия черных, цветных и редких металлов.
Технология редких, ценных и радиоактивных элементов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.2.PhD/T1586

Диссертация выполнена в Навоийское отделение Академии Наук РУз.

Автореферат диссертации написан на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.tstu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Мансуров Юлбарсхон Набиевич**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Нурмуродов Салохиддин Дусмуродович**
доктор технических наук, профессор

Атажанов Гапур Латибович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: **Андижанский машиностроительный институт**

Защита диссертации состоится «28» август 2021 г. в 11:00 часов на заседании разового Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.03.04 Ташкентского государственного технического университета. (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел./факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирована №-217). (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел./факс: (99871) 227-10-32.

Автореферат диссертации разослан «16» августа 2021 года.

(реестр протокола рассылки №-125 от «16» августа 2021 года).

К.А.Каримов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

Ш.Б.Ташбулатов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
философии по техническим наукам, (PhD)

Н.Д.Тураходжаев
Председатель научно семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня одной из важнейших мировых задач является повышение экономической эффективности деталей, полученных литьем из белых чугунов за счет увеличения их эксплуатационных и механических свойств. Одной из важных задач является проведение научных исследований в этой области, в том числе в таких направлениях, как: разработка состава сплава с использованием современного программного обеспечения с учетом условий работы износостойкого белого чугуна; оптимизация процессов литья белого чугуна; необходимости разработки новых оптимальных методов термической обработки.

На металлургических предприятиях развитых стран мировой черной металлургии проводится ряд научно-исследовательских работ по получению качественных отливок из износостойких белых чугунов, в частности, износостойких хромистых чугунов. США, Россия, Германия, Великобритания, Канада, Бразилия, Япония, Австралия, Украина, Польша, Индия, Китай, Беларусь, Иран, Мексика и другие страны являются ведущими производителями белых чугунов, выпуская 60-70 % деталей от общемирового количества. В связи с ежегодным увеличением производства белого чугуна, увеличением спроса на качество деталей из износостойкого белого чугуна, было важно создать и внедрить технологию получения литых деталей из качественного белого чугуна с более низкой себестоимостью за счет ресурсосбережения.

После обретения независимости в Республике предпринимаются комплексные меры по развитию металлургической и горнодобывающей промышленности, а также производства импортозамещающих деталей из износостойкого чугунов.

Данное диссертационное исследование направлено на реализацию задач, поставленных Президентом Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», других директивных документов Кабинета Министров РУз по данной отрасли экономики.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике. Предлагаемые результаты исследования являются частью Республиканского проекта развития науки и технологий. II. Реализуется в соответствии с приоритетным направлением «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Ведущие ученые мира, в том числе американские исследователи С. Р. Табретт, Л. Ариас, определили влияние фазового перехода на свойства коррозионно-стойкого белого чугуна при термической обработке, японский ученый Ю. Мацубара изучил влияние термической обработки на белого чугунов металлическая основа и карбидные фазы, Польские исследователи Е.В.Позенберг, Д. Копусинский разработал тех-

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № ПФ-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан». // Народное выступление, 8 февраля 2017 г.

нологию улучшения механических и эксплуатационных свойств сплавов с помощью термической обработки.

Исследователи из стран СНГ, в частности российские ученые Г.И. Сильман, И.И. Ципин, А.А. Жуков, М.М. Ямшинский, К.С. Радченко в сочетании с термообработкой коррозионно-стойкого белого чугуна создал фундаментальные закономерности изменения микроструктурных фаз сплава при литье его в металлические формы, Белорусские ученые К.Э. Барановский, В.М. Ильщенко, Узбекские исследователи А.А. Мухамедов, Дж.Дж. Маматкулов и другие разработали нетрадиционные методы термической обработки для улучшения свойств износостойкого белого чугуна.

В результате использования внешних холодильников охладителей при отливке износостойкого белого чугуна, размещения карбидных фаз перпендикулярно поверхности изнашивания в структуре сплава, применения оптимальных методов термической обработки для металлической основы и карбидов.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.

Работа выполнена в рамках фундаментального проекта Навоийского филиала Академии наук и Навоийского государственного горного института Ф2-010-«Разработка научных основ термоциклической обработки деталей горного оборудования» (2017-2020 гг.).

Цель исследования. На основе выявленных закономерностей взаимосвязи химического и фазового состава модельных сплавов, установление фазового состава высоколегированных белых износостойких чугунов для локализации производства импортируемых деталей, используемых в абразивных и ударно-абразивных средах в конструкциях горнодобывающих машин, доведение структуры и свойств белого чугуна до уровня отраслевых требований, а также экономия легирующих компонентов за счет их оптимизации.

Задачи исследования:

- определены области существования фаз, фазовые равновесия, наличие видов карбидных фаз в многокомпонентных легированных белых чугунах, проведена оптимизация их химического состава без снижения уровня эксплуатационных свойств;

- установлены области существования фаз, фазовые равновесия в трех-, четырех- и многокомпонентных модельных сплавах;

- установлены зависимости структуры и свойств высоколегированных белых чугунов от параметров технологий литья и термической обработки;

- улучшить механические и эксплуатационные свойства за счет упрощения химического состава применяемых на практике коррозионно-стойких белых чугунов путем анализа химического состава, структуры и свойств модельных сплавов.

Объект исследования. Образцы сплавов: ИЧ280Х29НЛ, ИЧ300Х32Н2М2ТЛ, а также зарубежные сплавы-аналоги ASTM A532 (класс 2).

